ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

## 2018 йил I чорак учун

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ ВА ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ

Июнь 2018 й.
Тошкент ш.

**Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан 2018 йилдан бошлаб Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси ҳамда халқаро инвестицион позициясининг ҳисоби юритилиб келинмоқда.

Ушбу шарҳ Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти томонидан тайёрланган бўлиб, унда 2018 йил I чорак учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позициясининг асосий бўлимлари бўйича маълумотлар келтирилган. Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан қабул қилинган Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланманинг олтинчи нашри (ТБҚ 6, 2009 й.) асосида тузилган. Ушбу шарҳда тўлов балансининг таҳлилий кўриниши билан бирга жадваллар ва диаграммалар, шунингдек уларга изоҳ ва тегишли маълумотлар тузиш методологияси келтирилган. Халқаро инвестицион позиция статистик ҳисобот кўринишида келтирилган бўлиб, унда инвестицияларнинг асосий турлари бўйича қолдиқлар ва оқимлар акс эттирилган.

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция ҳамда уларга шарҳ хар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги чоракнинг якунида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади.

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича статистик жадваллар стандарт ва таҳлилий кўринишларда Марказий банкнинг расмий веб-сайтида (http://www.cbu.uz/) жойлаштирилган.

Марказий банк 2018 йилнинг I чораги учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позициясини тузиш учун зарур маълумотларни тақдим этишда яқиндан хамкорлик қилган вазирлик, идоралар ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдириб, келажакда ҳам ушбу масалалар юзасидан самарали ҳамкорлик қилишга умид қилади.

# МУНДАРИЖА


I. Жорий операциялар ҳисоби .... 4
Товар ва хизматлар .... 4
Товарлар .... 5
Хизматлар .... 8
Бирламчи даромадлар .... 10
Иккиламчи даромадлар .... 11
II. Капитал билан боғлиқ операциялар ҳисоби .... 12
III. Молия ҳисоби ва халқаро инвестиция позицияси .... 13
Активлар .... 13
Валюта ва депозитлар .... 14
Олтин-валюта захираси .... 15
Тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ва норезидентларга қарзлар 16
Мажбуриятлар .... 16
Тўғридан тўғри инвестициялар .... 17
Ташқи қарз .... 18
Норезидентларнинг депозитлари .... 19
Портфель инвестициялар .... 19
IV. Статистик хатолар .... 20
V. Хулоса .... 21
VI. Маълумотларни тузиш ва қайта кўриб чиқиш методолгияси .... 22
1-Илова. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси .... 23
2-Илова. Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестиция позицияси .. 25

## I. Жорий операциялар ҳисоби

Жорий операциялар ҳисобида резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги товар ва хизматлар савдоси, шунингдек бирламчи ва иккиламчи даромадларни акс эттирилади.

Жорий операциялар ҳисоби Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ХВФ стандартларига мувофиқ ва экспертлик баҳолаш орқали ҳисобланди.

Жорий йилнинг 1-чораги натижаларига кўра, жорий операциялар ҳисобининг ижобий фарқи 532,6 млн. АҚШ долларни (кейинги ўринларда - долл.) ташкил этди. Жорий операциялар ҳисобининг компонентлари бўйича фарқи 1-диаграммада келтирилган.

*1-диаграмма*

*(млн. долл.)*




### Товар ва хизматлар

Ушбу компонентда экспорт ва импорт қилинган товар ва хизматлар қиймати ҳисоби юритилади. Савдо балансининг (экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ) салбий фарқи 853,1 млн. долл.га тенг бўлди.

**Товарлар**

Жорий йилнинг I чорагида тўлов балансини тузиш методологияси[1] бўйича ҳисобланган товарлар экспортининг суммаси 2,9 млрд. долларни, товарлар импорти эса 3,6 млрд. долларни ташкил этди. Товарлар импортининг экспортга нисбатан кўплиги тадбиркорларнинг иқтисодиётнинг норасмий секторидан банк секторига ўтиши, шунингдек ишлаб чиқариш қувватларини хорижий валютадаги кредитлар ҳисобига кучайтириш билан боғлиқдир.

Товарлар экспортининг асосий қисмини олтин – 1,3 млрд. долл. ва газ – 487,2 млн. долл. ташкил қилиб, уларнинг товарлар экспортидаги жами улуши 61 фоизга тенгдир. Шу орқали халқаро бозорлардаги холат яъни олтин ва газнинг нархи мамлакат экспорти хажмига сезиларли таъсир қилади.

Жами товарлар экспорти ҳажмида салмоқли бўлган бошқа товарларнинг улуши 2-диаграммада келтирилган.[2].

*2-диаграмма*




[1] Товарлар импорти ва экспорти, резидент ва норезидент ўртасида эгалик ҳуқуқининг ўтиш тамойили асосида, товарларни Ўзбекистондан олиб чиқилиши ва олиб кирилиши хақидаги маълумотларга мувофиқ акс эттирилмоқда. Бунда импорт қилинаётган товарлар FOB-нархларда баҳоланади. Бунда, товарлар нархи қайта баҳоланиб, уларни етказиш ва суғурталаш бўйича харажатлари алоҳида ажратилиб, хизматлар импорти кўринишида акс эттирилади. Шу сабабли, экспорт ва импорт кўрсаткичлари тўлов баланси методологияси бўйича ҳисобланганда Давлат статистика қўмитаси томонидан қўлланиладиган методология бўйича хисоблаган кўрсаткичлардан фарқланади.

[2] Диаграммада жами товарлар экспорти ҳажмида 1/3 фоиздан юқори салмоққа эга бўлган товарлар келтирилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган товарлар жами товарлар экспорти ҳажмининг 90 фоизини ташкил этади. Экспорт тузилмасининг таҳлили, экспортнинг жами ҳажмида хом-ашё товарларининг салмоғи катталигини ва тайёр маҳсулотларнинг (қуритилган мевалар, узум, енгил автомашиналар, текстиль маҳсулотлари, сабзавотлар, электр энергияси) салмоғи эса – 6 фоизни ташкил этишини кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг I чорагида товарлар экспортининг асосий қисми Швейцария (олтин), Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия ва Афғонистонга амалга оширилган *(3-диаграмма)*.

*3-диаграмма*




Товарлар импорти тузилмасининг таҳлили эса, товарлар импортининг умумий ҳажмида нефть ва нефть маҳсулотлари – 186,5 млн. долл., дори-дармонлар – 184,7 млн. долл., транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи қисмлар – 141,9 млн. долл., шакар ва сахароза – 131,6 млн. долл., металл прокати – 120,4 млн. долл., шунингдек текстиль ускуналари – 91,7 млн. долл ташкил этган. Ушбу товарларнинг жами товарлар импорти ҳажмидаги улуши 24 фоизга тенг. Жами товарлар импорти ҳажмида салмоғи юқори бўлган бошқа товарларнинг улуши 4-диаграммада келтирилган[3].

[3] Диаграммада жами товарлар импорти ҳажмида 1 фоиздан юқори салмоққа эга бўлган товарлар келтирилган.

*4-диаграмма*




Таҳлил натижалари, товарлар импорти тузилмаси асосан ишлаб чиқариш мақсадлари учун ускуналар ҳамда аҳоли учун зарур ижтимоий ахамиятга эга бўлган товарлар импортидан иборатлигини кўрсатмоқда.

Товарлар импорти асосан Россия, Хитой, Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия, Литва ва Германиядан амалга оширилган *(5-диаграмма)*.

*5-диаграмма*




Товарлар импорти ҳисобини тўлов баланси методологияси бўйича тўлиқ юритиш мақсадида, Марказий банк томонидан жисмоний шахслар томонидан қўшни мамлакатлар ҳамда хорижий мамлакатлардан олиб келинган товарлар ҳажми баҳоланди[4]. Ўтказилган сўровнома натижалари бўйича коэффициентлар ҳисобланиб, улар орқали жисмоний шахслар томонидан импорт қилинган товарлар суммаси 212,5 млн. доллар ёки жами товарлар импортининг 6 фоизини ташкил этганлиги аниқланди.

**Хизматлар**

Хизматлар экспорти жорий йилнинг I-чорагида 1,1 млрд. долл., хизматлар импорти эса 1,2 млрд. долларга тенг бўлди. Хизматлар экспорти ва импортининг салбий фарқи 148,8 млн. долларни ташкил этди. Хизматлар турлари бўйича фарқ 6-диаграммада келтирилган.

[4] Жисмоний шахслар томонидан импорт қилинган товарлар ҳажми қўшни мамлакатлар билан худудлардаги чегара постларида ҳамда халқаро аэропортларда сўровнома ўтказиш орқали баҳоланди.

*6-диаграмма*

*(млн. долл.)*




Транспорт хизматлари (авиа, темир йўл, авто ва б.) бўйича салбий фарқ, импорт қилинган товарлар суммасининг қайта баҳоланиши ҳисобига 105,5 млн. долларга тенг бўлди. Бунда, тўлов баланси методологияси бўйича товарлар импорти суммасининг қайта баҳоланиши ҳисобига суғурта бўйича хизматлар импорти 118,3 млн. долларни ташкил этиб, бунинг натижасида ушбу категория бўйича салбий фарқ ҳисоб-китобларга кўра 116,9 млн. долларни ташкил қилди.[5]

[5] Мамлакатга импорт қилинаётган аксарият товарлар транспорт ва суғурта хизматлари бўйича тўловларни юк жўнатувчи томонидан тўланиши шарти билан келтирилмоқда. Шу муносабат билан, транспорт ва суғурта хизматлари бўйича тўловлар миқдори, Ўзбекистон юк ташувчи компаниялари тарифлари асосида хисобланган хизматларнинг товарлар импортидаги улуши 15 фоизни ташкил этди.

Туризм компоненти бўйича ижобий фарқ 33 млн. долларга тенг бўлиб, ушбу компонентда қисқа муддатга чет элга ишлаш мақсадида чиқиб кетган резидентларнинг харажатлари ҳам акс эттирилган. Умуман олганда, норезидентларнинг мамлакатга сафарлари давомидаги харажатлари суммаси 666 млн. долларни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан икки баробар кўпдир. Ушбу кўрсатктичнинг ўсишига асосий омил бўлиб, Ўзбекистон давлат чегарасини кесиб ўтиш жараёнларининг соддалаштирилиши хизмат қилди ва унинг натижасида мамлакатга чет эл фуқароларининг (туризм ва хизмат сафари мақсадида) оқими кўпайди.

Бошқа турдаги хизматлар (телекоммуникация, молиявий, қурилиш ва бошқалар) бўйича ижобий фарқ 35,4 млн. долл. ташкил қилди.

**Бирламчи даромадлар**

Бирламчи даромадлар ишлаб чиқариш жараёнидан (масалан, иш ҳақи тўлови) олинган даромад ва инвестицион даромадни (масалан, дивидендларни) ўз ичига олади. Мамлакат резидентларининг чет элдаги даромадлари суммаси 1,5 млрд. долл. миқдорида бахоланди.[6]

Резидентларнинг киритилган инвестициялардан олган даромадлари суммаси – 41,1 млн. долл., норезидентларнинг инвестициялардан олган даромадлари эса – 398,8 млн. долл. тенг бўлиб, улардан 197,1 млн. долл. – норезидентларнинг реинвестиция қилган даромадлари ҳисобига, қолган 136,1 млн. долл. эса ташқи қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлардир. Натижада, ушбу категория бўйича салбий фарқ 352,7 млн. долларга тенг бўлди *(7-диаграмма).*

[6] Мамлакат резидентларининг чет элдаги даромадлари бўйича баҳолаш расмий манбалардаги маълумотлар ҳамда барча вилоятлар чегара постлари ва халқаро аэропортларда Марказий банк томонидан ўтказилган сўровнома натижалари бўйича ҳисобланган коэффициентлар орқали амалга оширилди.

*7-диаграмма*

*(млн. долл.)*




I чорак якунига бўйича бирламчи даромадлар бўйича ижобий фарқ 1,1 млрд. долларни ташкил қилди.

**Иккиламчи даромадлар**

Иккиламчи даромадлар резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги жорий трансфертларни кўрсатади. Трансферлар – товар, хизмат, молиявий ёки бошқа актив тақдим этилиб, эвазига ҳеч қандай иқтисодий қийматга эга объект олинмайдиган операциялар.

Иккиламчи даромадларнинг 282 млн. долл. миқдоридаги ижобий фарқ чет элдан жисмоний шахсларга трансферт ўтказмалари ҳисобига вужудга келган[7]. Жорий йилнинг I чорагида чет элдан жисмоний шахсларга келиб тушган халқаро пул ўтказмалари 949,4 млн. долларни ташкил этиб, резидентлар томонидан республикага олиб кирилган нақд хорижий валюта суммасини инобатга олган ҳолда, ундан 481,3 млн. доллар ёки 50% трансфертларга киритилди. Жисмоний шахсларнинг халқаро пул ўтказмалари асосан Россия (77,2%), Туркия (5,1%), Қозоғистон (4,2%), АҚШ (3,8%) ва Корея Республикасидан (2,3%) келиб тушган.

[7] Уй хўжаликларининг иккиламчи даромадлари хисоби пул ўтказмалари бўйича келиб тушган ва резидентлар томонидан олиб кирилган нақд хорижий валюта суммаси ҳамда хорижда қисқа муддат давомида ишлайдиган резидентларнинг чет элда бўлиши давомида даромадлари ва харажатлари фарқи сифатида амалга оширилмоқда.

*8-диаграмма*

**Жисмоний шахслар томонидан 2018 йилнинг I чорагида олинган трансчегаравий пул ўтказмалари (мамлакатлар бўйича)**




## II. Капитал билан боғлиқ операциялар ҳисоби

Капитал билан боғлиқ операциялар ҳисоби резидентлар ва норезидентлар ўртасида қабул қилиниши ва тўланиши назарда тутилган капитал транстфертлар ҳамда ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ операциялари қамраб олади[8].

Капитал билан боғлиқ операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва тижорат банкларининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

Капитал билан боғлиқ операциялар ҳисобининг ижобий фарқи 28,8 млн. долларни ташкил қилди.

---

[8] Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга табиий ресурслар, контрактлар, иқтисодий актив деб қабул қилинадиган ижара шартномалари ва лицензиялар, шунингдек маркетинг активларига ҳуқуқлар киради. Ўз навбатида, капитал трансфертларга капитал активларни ўтказиш, қарздан воз кечиш ва бошқа операциялар киради.

## III. Молия ҳисоби ва халқаро инвестиция позицияси

**Молия ҳисоби** Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлар ўртасидаги молиявий активлар билан операцияларни акс эттиради. Улар жумласига кредитларни олиш ва бериш, қимматли қоғозлар билан операциялар, инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва бошқалар (савдо кредитлари, суғурта, пенсия ва стандарт гарантиялар дастури, бошқа кредитор/дебитор қарздорлик) киради.

**Халқаро инвестиция позицияси** муаййан муддат боши ва охирига бўлган активларни (резидентларнинг норезидентларга талаблари) ва мажбуриятларни (норезидентларнинг резидентларга талаби) акс эттиради. Активлар ва мажбуриятлар тўғри ва портфель инвестициялар, хосилавий молиявий инструментлар, валюта ва депозитлар, мамлакат олтин валюта захираси, қарз ва займлар, савдо кредитлари ва аванслари ва бошқа кредитор/дебитор қарздорликдан ташкил топган.

Актив ва мажбуриятларнинг халқаро инвестиция позицияда муаййан муддат боши ва охирига мутаносиблиги, молиявий ҳисобда акс эттирилган операциялар ҳамда валюта курслари ўзгариши, активлар нархларининг ўзгариши ва бошқа молиявий ҳисобда акс эттирилмаган ўзгаришлар ҳисоби орқали таъминланади.

Молиявий хисоб кўрсаткичлари Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектлар маълумотлари асосида ХВЖ методологиясига мувофиқ ҳисоб-китобларни ва эксперт баҳолашни қўллаган ҳолда амалга оширилди.

2018 йилнинг I чорагида резидентларнинг активлари 874 млн. долларга, мажбуриятлари эса 567 млн. долларга ошди. Натижада, Ўзбекистон Респуликасининг тоза инвестиция позицияси 307 млн. долларга ошди.

### Активлар

I чорак охирига резидентларнинг норезидентларга талаблари, резерв активлари билан биргаликда, 43,8 млрд. долларни ташкил этди. Активларнинг таркибий компонентлар бўйича ўсишининг таҳлили асосий ўсиш «валюта ва депозитлар» ҳамда «резерв активлар» компонентлари бўйича кузатилганлигини кўрсатди. (1-жадвал).

*1-Жадвал*

**Ўзбекистон Республикасининг активлари**
(таркибий компонентлар бўйича)

| Актив тури | 1 январ 2018 й. (млн. долл.) | 1 апрел 2018 й. (млн. долл.) | Ўзгариши (%) |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **42 870,3** | **43 801,2** | **2,2%** |
| *шу жумладан* | | | |
| Резерв активлари | 28 076,9 | 28 494,0 | 1,5% |
| Валюта ва депозитлар | 14 276,5 | 14 758,0 | 3,4% |
| Бошқа активлар | 516,9 | 549,2 | 6,2% |

Активлар компонентларининг норезидентларга бўлган умумий талабдаги улушлари қуйидаги диаграммада келтирилган.

*Диаграмма 9*

**Активлар компонентларининг мамлакатнинг норезидентларга бўлган умумий талабдаги улушлари**




**Валюта ва депозитлар**

Валюта ва депозитлар компоненти 14,3 млрд. долл.дан 14,7 млрд. долл.гача ўсган (425 млн. долл. миқдорида ўсиш).

Мазкур компонентнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлили тижорат банклари активлари 2,9 млрд. доллардан 2,7 млрд. долларгача камайганлигини кўрсатмоқда (170 млн долларга камайиш) ҳамда ушбу камайиш асосан тижорат банкларининг хорижий банкларда очилган вакиллик ҳисобрақамлари валюта маблағлари қолдиқларининг 2,3 млрд. доллардан 2,1 млрд. долларга қисқариши ҳисобига бўлган. Ушбу қисқариш тадбиркорларнинг хуфёна иқтисодиётдан банк секторига ўтиши натижасида импорт бўйича тўловлар хажмининг ортиши билан боғлиқ.

Аҳолининг хорижий валюталардаги жамғармалари ўсиши, хорижда ишлаётган Ўзбекистон фуқароларининг даромадлари ҳисобига 644,6 млн. долларни ташкил қилди.[9]Ушбу маблағларнинг катта қисми пул ўтказмалари тизимлари орқали мамлакатга жўнатилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий молиявий муассасаларда жойлаштирилган маблағлари миқдори 364 млн. доллардан 400 млн. долларгача кўпайди, нобанк молиявий муассасаларнинг маблағлари қолдиги эса деярли ўзгаришсиз қолди – 10 млн. доллар.

## Олтин-валюта захираси

Ўзбекистоннинг олтин-валюта захираси жорий йилнинг I чорагида 28,1 млрд. доллардан 28,5 млрд. долларгача ошди (417 млн. долларга ўсиш).

Нақд хорижий валюта ва депозитларнинг умумий миқдори 466,4 млн. долларга ошди, ундан 384,5 млн. долл., асосан, қимматбаҳо металлар сотуви ҳамда 82 млн. долл. валюталар курсининг ижобий ҳисобига ошди. Олтин кўринишидаги резерв активларининг қиймати олтиннинг жахон бозоридаги қиймати ортиши оқибатида 296,6 млн. долл.га ўсди. Резерв активларининг 354 млн. долл. миқдоридаги бошқа ўзгаришлари олтиннинг сотиб олиниши ва сотилиши ўртасидаги фарк натижасидир.

[9] Ахоли жамғармаларининг ўсиши миқдори жисмоний шаҳсларнинг Ўзбекистон Республикасига трансчегаравий пул ўтказмалари, резидентлар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистонга олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тўғрисидаги маълумотлар ва жисмоний шаҳслар томонидан хорижий валютани айирбошлаш шахобчалари орқали сотилиши тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилди.

**Тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ва норезидентларга қарзлар**

Хорижий активларнинг бошқа компонентлари бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига хорижга тўғридан-тўғри инвестициялар – 173 млн. долл., портфель инвестициялар – 1,2 млн. долл., норезидентларга тақдим қилинган қарзлар миқдори – 1,1 млн. долл.ни ташкил қилди.

**Мажбуриятлар**

Жорий йилнинг I чорак якунига қадар норезидентлар олдидаги мажбуриятлар миқдори 26,1 млрд. долларни ташкил қилди. Мажбуриятларнинг таркибий компонентлари бўйича таҳлили асосий ўсиш тўғри инвестициялар ва қарзлар бўйича кузатилганлигини кўрсатмоқда (2-Жадвал).

*2-Жадвал.*

**Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари**
(таркибий компонентлар бўйича)

| **Мажбурият тури** | **1 январ 2018 й.** (*млн. долл.*) | **1 апрел 2018 й.** *(млн. долл.)* | **Ўзгариши** *(%)* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **25 551,7** | **26 118,7** | **2,2%** |
| *шу жумладан* | | | |
| Ташқи қарзлар | 14 471,5 | 14 654,8 | 1,3% |
| Тўғридан тўғри инвестициялар | 5 314,0 | 5 536,6 | 4,2% |
| Бошқа мажбуриятлар | 5 766,2 | 5 927,2 | 2,8% |

Мамлакатнинг норезидентлар олдидаги мажбуриятларнинг умумий мажбуриятлардаги улуши қуйидаги диаграммада келтирилган.

*Диаграмма 10*

**Мажбуриятлар компонентларининг мамлакатнинг норезидентларга бўлган умумий мажбуриятдаги улушлари**




**Тўғридан тўғри инвестициялар**

Ўзбекистон Республикасига тўғридан тўғри инвестицияларнинг қолдиғи 4 млрд. долл.дан 4,3 млрд. доллюгача кўпайди.

Бунда, норезидентлардан тўғридан тўғри инвестициялар хажмининг ўсиши 200 млн. долл.ни ташкил қилди, ундан 197 млн. доллари даромадларини қайта инвестициялаш кўринишида. Инвестицияларнинг асосий оқими (92%) қуйидаги мамлакатларга тўғри келмоқда: АҚШ (28%), Хитой (10%), Буюк Британия (10%), Британ Виргин ороллари (8%), Бирлашган Араб Амирликлари (6%), Россия (6%), Туркия (5%), Малайзия (4%), Швейцария (4%), Германия (4%), Голландия (4%), Сингапур (3%) ва Корея Республикаси (2%).

Шуни таъкидлаш жоизки, ХВФнинг қўлланмасига мувофиқ, бош компаниялар томонидан улуши бор компанияларга берган қарзлари маблағларни корхонага киритишнинг битта усули ҳисобланади ва қарз инструментлари сифатидаги инвестициялаш сирасига киритилади. Бош компаниялар томонидан улуши бор компанияларга берган қарзлари ўсишига қарамасдан (24 млн. доллар), қарздорликнинг умумий суммаси 95 млн. доллар миқдоридаги қарзнинг тўғридан-тўғри инвестициялаш

корхонасининг таъсис капиталига бош компания томонидан ўтказилиши натижасида камайди. Натижада, жорий йилнинг 1 апрелига бош компаниялар олдидаги қарздорлик қолдиғи 1,3 млрд. долларан 1,2 млрд. долларгача камайди.

## Ташқи қарз

Жорий йилнинг I кварталида ташқи қарзнинг умумий миқдори 14,5 млрд. долл.дан 14,7 млрд. долл.гача ошди, бош компаниялар томонидан улуши бор компанияларга берилган қарзлар бундан мустасно. Ташқи қарз давлат ташқи қарзи ва хусусий ташқи қарздан ташкил топган.

Ташқи қарз бўйича асосий ўсиш давлат секторига тўғри келади, унда давлат ташқи қарзининг ўсиши, валюта курсларининг ўзгаришини хисобга олган ҳолда 329 млн. долл.ни ташкил қилди. Давлат ташқи қарзининг қодиғи 7,6 млрд. долл.дан 7,9 млрд. долл.гача ўсди.[10]

Хусусий ташқи қарз бўйича қарздорликнинг ўсиши банк сектори (70 млн. доллар) ва нобанк молиявий муассасалар секторида (3 млн. доллар) кузатилди.

Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусий ташқи қарзи асосий қарз ва фоизларнинг тўланиши ҳисобига 222 млн. долларга камайди. Натижада, хусусий ташқи қарз бўйича қарздорлик миқдори 6,3 млрд. доллардан 6 млрд. долларгача камайди.[11]

[10] Давлат ташқи қарзи бўйича таҳлил Молия вазирлигининг дастлабки маълумотлари асосида тайёрланди

[11] Қарздорлик бош компаниялар томонидан улуши бор компанияларга берган қарзларини хисобга олмаган ҳолда белгиланган. ХВФ методологиясига мувофиқ бош компаниялар томонидан улуши бор компанияларга берган қарзлар қарз инструментлари сифатидаги инвестициялаш сирасига киритилади.

*Диаграмма 11*

**Давлат ва хусусий ташқи қарз нисбати**[12]




**Норезидентларнинг депозитлари**

Норезидентларнинг депозитлари қолдиғи 18 млн. долл.дан 43 млн. долл.гача ошди (25 млн. долл.га ўсиш). Хусусан, жисмоний шахс-норезидентларнинг Ўзбекистон банкларидаги депозитлари 8 млн. долл.га (13 млн. долл.дан 21 млн. долл.гача), юридик шахс-норезидентларнинг Ўзбекистон банкларидаги депозитлари эса 17 млн. долл.га ошди (5 млн. долл.дан 22 млн. долл.гача).

**Портфель инвестициялар**

Норезидентларнинг портфель инвестициялари, реинвестицияларни ҳисобга олган ҳолда (13,4 млн. доллар миқдорида 21 млн. доллардан 38 млн. долларгача ўсган.

[12] Қарздорлик бош компаниялар томонидан улуши бор компанияларга берган қарзларини хисобга олмаган ҳолда кўрсатилган.

## IV. Статистик хатолар

Тўлов балансини тузиш маълумотларни турли хил манбалардан бирлаштириш билан боғлиқ жараён бўлиб, амалиётда тўлов балансининг компонентлари алоҳида баҳоланиши натижасида тўлов баланси ҳисобварақларидаги суммалар тўғри келмаслиги мумкин. Ушбу номувофиқлик «статистик хатолар» ҳисобварағида акс эттирилади.

Тўлов балансидаги статистик хатолар молия ҳисоби бўйича соф кредитлаш (ёки қарз олиш) билан жорий операциялар ҳисоби бўйича соф кредитлаш (ёки қарз олиш) ва капитал операциялар ҳисоби ўртасидаги фарқини аниқлаш йўли билан ҳисобланади.

Ушбу статистик хатолар қийматининг мақбуллиги бўйича аниқ тавсия бериш имкони мавжуд эмаслигига қарамай, уларнинг қиймати бошқа кўрсаткичлар, жумладан ЯИМ, жорий операциялар ҳисобининг фарқи, ялпи оқимлар ва қолдиқларга нисбатан ҳисоблаган ҳолда баҳоланиши мумкин[13].

[13] Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланма. 2.26-б. (6-нашр, ХВФ, 2009й.)

## V. Хулоса

2018 йилнинг I чорагида жорий операциялар ҳисобининг ижобий фарқ чет элда ишлаётган резидентлар даромадларининг харажатларидан ортиқлиги ҳамда Ўзбекистонга ўтказилган трансфертлар ҳисобига таъминланди.

Шу билан бирга, халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган маблағларнинг аксарият қисми аҳолида жамғарма сифатида қолмоқда. Шундай қилиб, тижорат банклари вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғининг камайиши аҳолининг нақд хорижий валютадаги жамғармалари ошиши билан боғлиқдир.

Хусусий сектор ташқи қарзининг камайиши тўловлар жадвалига асосан асосий қарз ва фоиз тўловларининг амалга оширилганлиги эвазига таъминланди.

Давлат томонидан ташқи қарз жалб қилиш жадваллари ўрта муддатда давлат ташқи қарзи ўсиши кутилаётганлигини кўрсатмоқда. Давлат ташқи қарзининг ўсиши узоқ муддатли инвестицион ва ижтимоий мухим лойиҳаларни молиялаштириш зарурияти билан боғлиқ.

Шу билан бирга қиска муддатда хусусий сектор ташқи қарзининг асосий қарз ва фоизларнинг тўланиши хисобига камайиши кутилмоқда. Шу билан бирга, молиявий секторнинг ташқи қарзи янги қарз жалб қилиниши хисобига ўсиши мумкин.

## VI. Маълумотларни тузиш ва қайта кўриб чиқиш методолгияси

Тўлов балансида маълум бир вақт оралиғи давомида мамлакатнинг бошқа дунё мамлакатлари билан моддий ва номоддий активларга бўлган мулк хуқуқининг ўтиши билан боғлиқ (резидент ва норездентлар ўртасида) операциялар умумлаштирилган ҳолда акс эттирилади.

Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позициясининг тузилиши ягона методологик асосда Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси методологияси қўлланмаси асосида амалга оширилади. (ХВФ, 2009 й.)

Шу билан бирга, тўлов баласи статистикасида, худди миллий ҳисоблар статистикасидаги каби, тарихий маълумотларни янги маълумотлар олинишида ва ҳисоб-китобларда хатолар аниқланганда қайта кўриб чиқиш жараёни мавжуд. Шунинг учун, тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси кўрсаткичлари келажакда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

# Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси

*(тахлилий кўриниши)*

*млн. долларда*

| **Бўлимлар** | **I чорак 2018 йил** |
|---|---|
| **I. Жорий операциялар хисоби сальдоси** | 532,6 |
| Товарлар, кредит (экспорт) | 2 909,3 |
| Товарлар, дебет (импорт) | 3 613,6 |
| Товарлар сальдоси | -704,3 |
| Хизматлар, кредит (экспорт) | 1 121,3 |
| Хизматлар, дебет (импорт) | 1 270,1 |
| Товарлар ва хизматлар сальдоси | -853,1 |
| Бирламчи даромадлар, кредит | 1 498,8 |
| Бирламчи даромадлар, дебет | 395,7 |
| Товарлар, хизматлар ва бирламчи даромадлар сальдоси | 250,0 |
| Иккиламчи даромадлар, кредит | 515,9 |
| Иккиламчи даромадлар, дебет | 233,3 |
| **II. Капитал операциялар хисоби (олтин-валюта захираларидан ташқари)** | 28,8 |
| Капитал операциялар хисоби, кредит | 28,8 |
| Капитал операциялар хисоби, дебет | 0,0 |
| Капитал операциялар хисоби сальдоси | 561,4 |
| **III. Молиявий хисоб** | 77,2 |
| Тўғри инвестициялар, активлар | 0,1 |
| Таъсис жамғармасида улуш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 0,1 |
| Қарз инструментлари | 0,0 |
| Тўғри инвестициялар, мажбуриятлар | 225,0 |
| Таъсис жамғармасида улуш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 200,7 |
| Қарз инструментлари | 24,4 |
| Портфель инвестициялар, активлар | 0,0 |
| Таъсис жамғармасида улуш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 0,0 |
| Портфель инвестициялар, мажбуриятлар | 13,5 |
| Таъсис жамғармасида улуш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 13,5 |
| Қарз инструментлари | 0,0 |
| Ҳосилавий молиявий инструментлар (резервлардан ташқари) | 0,0 |
| Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар | 0,0 |
| Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар | 0,0 |
| Бошқа инвестициялар, активлар | 499,3 |
| Таъсис жамғармасида иштирок этишнинг бошқа инструментлари | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 499,3 |

| | |
|---|---|
| Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар | 183,8 |
| Таъсис жамғармасида иштирок этишнинг бошқа инструментлари | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 183.8 |
| **Резерв активлари** | 384,5 |
| Резерв активлари | 384,5 |
| ХВФдан тоза қарз олиш (резерв позициясидан ташқари) | 0,0 |
| Бошқа молиялаштириш | 0,0 |
| Жорий операциялар хисоби, капитал операциялар хисоби ва молиявий хисоб сальдоси | 484,2 |
| **IV. Хатолар ва йуқотишлар** | -99,7 |

Ушбу статистик хисобот Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позцияси Қўлланмасининг 6-нашрида (ХВФ, 2009 й.) келтирилган стандарт шакл асосида тузилган.

2-Илова

## Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестиция позицияси

*млн. долларда*

| Кўрсаткичлар | I чорак 2018 йил | |
|---|---|---|
| | бошига | охирига |
| **Активлар** | 42 870,3 | 43 801,1 |
| Тўғри инвестициялар | 172,5 | 172,7 |
| Таъсис жамғармасида улуш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 13,6 | 13,8 |
| Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 13,6 | 13,8 |
| Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,00 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 0,0 | 0,00 |
| Қарз инструментлари | 159,0 | 159,0 |
| Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 3,4 | 2,8 |
| Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 155,5 | 156,1 |
| Портфел инвестициялар | 1,2 | 1,2 |
| Таъсис жамғармасида улуш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 1,2 | 1,2 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 1,2 | 1,2 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 |
| Қарз қимматли қоғозлари | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 0,0 | 0,0 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 |
| Хосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларга опционлар | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа инвестициялар | 14 619,8 | 15 133,3 |
| Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари | 0,0 | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 14 619,8 | 15 133,3 |
| Марказий банк | 66,1 | 22,5 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 2 867,9 | 2 711,0 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 11 685,8 | 12 399,8 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 10,0 | 10,0 |
| Резерв активлари | 28 076,9 | 28 494,0 |
| Монетар олтин | 14 034,1 | 13 976,8 |

| | | |
|---|---|---|
| Қарз олишнинг маҳсус хуқуқлари (СДР) | 378,9 | 386,9 |
| ХВФда резерв позицияси | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа резерв активлар | 13 663,9 | 14 130,3 |
| **Мажбуриятлар** | 25 551,7 | 26 118,7 |
| Тўғри инвестициялар | 5 314,0 | 5 536,6 |
| Таъсис жамғармасида улуш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 4 009,0 | 4 321,0 |
| Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 4 009,0 | 4 321,0 |
| Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 0,0 | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 1 304,9 | 1 215,6 |
| Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 1 231,7 | 1 141,5 |
| Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 73,2 | 74,1 |
| Портфел инвестициялар | 20,7 | 37,7 |
| Таъсис жамғармасида улуш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 20,7 | 37,7 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 2,9 | 2,9 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 17,8 | 34,7 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,5 | 0,5 |
| Қарз қимматли қоғозлари | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 0,0 | 0,0 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 |
| Хосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларга опционлар | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа инвестициялар | 20 217,0 | 20 544,3 |
| Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари | 0,0 | 0,0 |
| Қарз олишнинг маҳсус хуқуқлари (СДР) (мажбуриятлар қабул қилиниши) | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа қарз инструментлари | 20 217,0 | 20 544,3 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 598,8 | 697,0 |
| Давлат бошқаруви сектори | 7 600,0 | 7 929,2 |
| Бошқа секторлар | 12 018,2 | 11 918,1 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 13,5 | 16,6 |
| **Тоза халқаро инвестиция позицияси** | 17 318,6 | 17 682,5 |

Ушбу статистик хисобот Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позцияси қўлланмасининг 6-нашрида (ХВФ, 2009 й.) келтирилган стандарт шакл асосида тузилган.

Шунингдек:

1. Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси бўйича қўлланма (ХВФ, 2009 й.) https://www.imf.org/external/russian/pubs/ft/bop/2007/bopman6r.pdf

2. Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси шунингдек Марказий банк веб-сайтида (http://cbu.uz) «Статистика» бўлимида жойлаштирилган.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти ходимларининг алоқа маълумотлари*

| **Лавозими** | **Ф.И.Ш.** | **Телефон** |
|---|---|---|
| Департамент Директори | Б.Ю. Абубакиров | 212-60-38 |
| Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи | Р.М. Мирзаахмедов | 212-60-76 |
| Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари | М.М. Насиров | 212-60-42 |

Савол ва таклифларни электрон почта орқали val@cbu.uz. манзилига юборишингиз мумкин.